

Дийний ҳукмларнинг учга бўлиниши

21:52 / 18.04.2017 2555

1. Юқорида зикр этиб ўтилган ҳукмларни «амалий ҳукмлар» деб номланади. Яъни, шариатнинг бу ҳукмлари банданинг амал қилишига оид ҳукмлардир.

2. Буларнинг муқобилида Аллоҳга, У зотнинг ваҳдониятига, фаришталарига, китобларига, элчиларига, ва қиёмат кунига иймон келтириш каби ақийдавий ҳукмлар бор. Буларни «ақийдага оид ҳукмлар» дейилади.

3. Ростгўйликнинг вожиблиги ва ёлғоннинг ҳаромлиги каби руҳий тарбияга оид ахлоқий ҳукмлар ҳам бор. Бу каби ахлоққа оид ҳукмлар билан шуғулланувчи илмни «тасаввуф» ёки «тарийқат» ҳам дейилади.

Усулий олимнинг амали.

Усулул фикҳ олимнинг вазифаси жузъий ҳукмларни ишлаб чиқаришга олиб борадиган куллий-умумий қоидаларни излашдир. Фақиҳнинг вазифаси усулий қоидаларни ишга солиб, жузъий далиллардан шаръий ҳукмларни ишлаб чиқишдир.

Усулул фикҳнинг мавзуси икки ишда ўз аксини топади.

Биринчиси, шаръий далиллар билан ишлаш бўлиб, уларни жузъий ҳукмларни истинбот қилиш учун асбоб сифатида кўради.

Иккинчиси, шаръий ҳукмларни усулул фикҳ олими истинбот самараси сифатида кўради. Бу ҳам далиллар ёрдамида собит бўлади. Усулийлар: усулул фикҳ илмининг мавзуси далилларнинг собит бўлиши жиҳатидан ҳосил бўлган шаръий ҳукмлардир, дейдилар.

Фақиҳнинг амали.

Фикҳ, аввал айтилганидек, тафсилий далиллардан касб қилиб олинган амалий шаръий ҳукмларни ўргатадиган илмдир. Ёки бошқача қилиб айтганда, тафсилий далиллардан касб қилиб олинган амалий шаръий ҳукмлар мажмуасидир. Бу илм ибодатларга, тоҳаратга, муамалотга, шартномаларга, шаръий жазоларга ва якка шахсга, оилага, васиятга, вақфга ва меросга тегишли бўлган ҳукмларга алоқадор вожиб, мандуб, ҳаром, макруҳ, ва мубоҳ каби барча нарсаларни ўз ичига олади.

Фақиҳ олим жузъий нарсаларга усулий қоидаларни татбиқ қилади. Натижада, у Аллоҳнинг «намозни адо қилинглари» сўзидан намознинг фарзлигини истинбот қилиб олади ва «ўғри эр ва ўғри аёл, бас, иккисининг

ҳам қўлини кесинглар» оятдан ўғрилиқнинг ҳаромлигини истинбот қилиб олади.

Фикҳнинг мавзуси мукаллаф банданинг амали шаръий аҳкомларда қандай собит бўлганлигига қаратилган бўлади. Фақиҳ – мукаллаф банданинг савдо, ижара, гаров, ваколат, намоз, рўза, иқрор, шаҳодат, васият, жарима, одам ўлдириш, бировни тухмат билан айблаш, ўғрилиқ, зино ва ўзганинг молини ноҳақ ейиш каби амалларини текшириш билан шуғулланади.

Усулул фикҳни билишдан мақсад:

Усулул фикҳ илмининг асосий мақсади тафсилий далиллардан олинган амалий шаръий аҳкомларга ўз қоидаларини татбиқ қилиши учун мужтаҳидга имкон яратиш беришдир. Ким ижтиҳод даражасига етган бўлса, ана шу кимса усул қоидаларини ишга солган ҳолда, хоҳ очик, хоҳ махфий бўлсин, шаръий насс – матнларни фаҳмлайди ва аҳкомлар далолат қиладиган нарсаларни билиб олади. Шу билан бирга, унда қиёс, истиҳсон, истисҳоб, истислоҳ ва бошқа шу каби масдарлардан фойдаланиб янги пайдо бўлган масалаларни ечишда имкон пайдо бўлади.

Аммо, ижтиҳод даражасига етмаган уламолар усулул фикҳ илмидан аҳкомларни истинбот қилиш йўлларини ўрганишда фойдаланадилар. Бу илмни янги пайдо бўлган масалаларда катта имомларнинг қоидаларига асосланиб ҳукм чиқаришга ишлатадилар.

Фикҳ илмининг мақсади мукаллафларнинг ҳаётига ҳалол ва ҳаромни баён қилиб бериш учун шаръий ҳукмларни татбиқ қилишдир. Инсонлардан содир бўладиган сўзлар, амаллар, воқеалар ва тортишувларнинг шаръий ҳукмини билиш учун олим, қози ва муфтийлар қиладиган иш фикҳдир.

Усулул фикҳ илмининг олинган жойи.

Уламоларимиз усулул фикҳ илмини шариат аҳкомларининг ҳақийқатларидан ва тасаввуротларидан олганлар. Уларнинг тафсилотларидан эмас. Улар бу илмни Калом илмидан олганлар. Шунингдек, уламоларимиз бу илмни яна араб тили сўз бойлигидан ташкил топган истинбот қоидаларидан олганлар. Чунки, мана шу тилда икки аслий шаръий масдар Қуръон ва Суннат келгандир.

Шариатнинг мақсадларини, мужтаҳидларнинг ҳақийқат ва мажозни билиш имкониятларини, очик ва киноя иборалар орасини ажратишни, умум ва хос ибораларни, муштарак лафзларни, мутлақ ва муқайяд орасидаги фарқни, мантуқ (нутқ қилинган) ва мафҳум(фаҳм қилинган)ни ҳам мана шу луғат орқали биламиз. Буларнинг барчаси луғат илмининг баҳслари ҳисобланади